

ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ДИАЛЕКТИКАСИ

Бозоров Мустафо Жабборович

Самарқанд давлат чет тиллар интитуту “Гуманитар фанлар ва ахборот технологиялари” кафедраси профессори, фалсафа фанлари номзоди
e-mail: martaba.m@rambler.ru

Аннотация. Мақолада глобаллашув ва миграция жараёнларининг ҳамма мамлакатлар ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларига таъсири, омилларининг ўзига хослиги ва амал қилиш механизмлари таҳлил қилинган. Глобал омилларнинг пайдо бўлиш сабаблари, уларнинг ўзига хос хусусиятларини, миграция замонавий халқаро муносабатларни тавсифловчи тенденциялардан бирига айланганлигини тадқиқ қилиш ҳозирги даврда муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилган.

Таянч сўзлар. Глобаллашув, миграция, объектив, субъектив, омил, жараён, жамият, инсон, иқтисод, тенденция, шарт-шароит, ҳодиса, сабаблар.

Кириш. Ҳозирги жаҳон тамаддуни жараёнида глобаллашув ва миграция феноменларининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг ўзаро таъсири, механизмлари, объектив ва субъектив омиллари, механизмларини таҳлил ва талқин қилиш долзарб муаммо ҳисобланади. Жаҳон тамаддунининг ҳозирги даврдаги ривожланиш босқичи инсон ҳаётининг барча соҳаларини ўзгартириш жараёнлари билан боғлиқдир. Шунинг учун глобаллашув ва миграция жараёнларининг инсон ҳаёти барча соҳаларига таъсирини тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Тадқиқот методологияси. Глобаллашув ва миграция жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг ўзаро алоқадорлиги жараёнларини ўрганишда диалектика, қиёсий таҳлил, анализ, синтез, дедукция ва индукция методларидан фойдаланилди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ҳозирги даврда жамият ҳаётининг барча соҳалари глобаллашув ва миграция ҳодисаси таъсиридан мустасно эмас. Демак, бу глобаллашув ва миграция жараёнларини тадқиқ қилувчи олимлар олдида муайян муаммоларни ўрганиш зарурлигини кўймоқда. Олимлар томонидан бу муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва ечимини топиш соҳасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу феноменлар таҳлил қилинган адабиётларни ўрганиш натижасида баъзи хулосаларга келиш мумкин.

Олим А.Н.Чумаковнинг фикрига кўра, глобаллашув ижтимоий тузилмаларнинг ривожланиши билан боғлиқдир, У фақат XX асрнинг иккинчи ярмида ўзини намоён этди. [Чумаков А. Н. М., 2005.] Профессор С.Отамуродов глобаллашув XX асрнинг

ярмидан бошлаб турли даража ва кўринишларда мавжуд эди. Бу жараённинг авж олиши XX1 асрга кириб келиш даврига мос келмоқда, деб ёзади. [Отамуродов С. Т., 2008.] Япониялик олим Кеничи Омаенинг фикрига кўра, жаҳонда иқтисодиётининг глобаллашуви объектив равишда қарор топган ҳодиса ҳисобланади. [Андреева А.В. 2013.]. Е. Равенштейн миграция узлуксиз жараён бўлиб, унда тўртта асосий омиллар гуруҳининг ўзаро таъсири мавжуд, деб ҳисоблайди. [Ионцев В.А. МГУ., 1999.]. Олимлардан С.В. Рязанцев ва В.В. Боженколар XX1 асрни "глобал миграция асри" деб аташ мумкин, деб ҳисобладилар.[Рязанцев С.В., Боженко В.В. 2010.].

Ҳозирги даврда глобаллашувнинг жамият барча соҳаларига таъсири, унинг омиллари, маънавий қадриятлар трансформацияси, маънавият ривожланишидаги умумийлик ва ўзига хослик, маънавиятнинг негизи бўлган ахлоқнинг глобаллашув давридаги конструктив аҳамияти, маънавий бой шахснинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеи масалаларини тадқиқ қилиш долзарб бўлиб қолди.

Ҳозирги даврда глобаллашув тушунчаси ҳақидаги турли-туман қарашлар мавжуд. Глобализация ҳозирги даврнинг тарихий тенденциясидир. Ижтимоий ҳаётдаги турли хил табиий, ижтимоий алоқадорлик глобаллашув жараёни билан боғлиқдир.

Ҳозирги даврда глобаллашувнинг жамият тизимида кўрсатадиган таъсири, глобал омилларнинг пайдо бўлиши сабаблари, ўзига хос хусусиятлари, ўзаро алоқадорлиги, трансформацияси, мезонлари, объектив ва субъектив омилларнинг диалектикаси, глобал омилларнинг жамият ривожланишига таъсир қилиш динамикаси ўрганиш ва таҳлил қилиш долзарб аҳамият касб этди.

Жаҳон тамаддунининг ҳозирги даврдаги ривожланиш босқичи инсон ҳаётининг барча соҳаларини ўзгартириш жараёнлари билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳозирги даврда глобаллашув жараёнининг жамият ривожланишига ижобий ва салбий таъсир қилиши муаммолари турли соҳа олимларининг тадқиқот объектига айланди. Жумладан, ижтимоий-гуманитар фанлар соҳаси олимлари глобаллашувнинг турли жиҳатларини тадқиқ қилмоқдалар. А.Н.Чумаковнинг фикрича, глобаллашув ижтимоий тузилмаларнинг ривожланиши натижаси бўлиб, биринчи марта фақат Буюк географик кашфиётлар даврида намоён бўлган. Аввалига глобаллашув фақат умумий маънода, кейинчалик, яъни XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб яққолроқ кўрина бошлади ва фақатгина йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида ўзини тўла куч билан кўрсатди. [1;164].

Глобаллашув жараёнинг асосий сабаби Ер шарининг барча минтақалари ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг кучайишидир. Глобаллашув туфайли Ер шари ягона маконга айланмоқда. Бутун дунёда глобаллашув омилларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши бу феномен таъсирини кучайтирмоқда. Жаҳон ҳамжамиятининг

ҳозирги ривожланиш босқичи инсон ҳаётининг барча соҳаларини ўзгартириш жараёнлари билан тавсифланади. Бунинг натижасида глобаллашув жараёнларининг жамият ривожланишига ижобий ва салбий таъсир қилиши муаммолари турли соҳа олимларининг тадқиқот объектига айланди

Профессор С.Отамуродов фикрича, глобаллашув XX асрнинг ярмидан бошлаб турли даража ва кўринишларда мавжуд эди. Дастлаб у стихияли равишда кечган бўлса, маълум вақтдан кейин иқтисодий таракқий эттирувчи омилга айланди. Бу жараённинг авж олиши XXI асрнинг бошланиш даврига тўғри келади. [2;8]

Кеничи Омаенинг фикрига кўра, бутун дунё иқтисодийнинг глобаллашуви объектив равишда қарор топган ҳодисадир. Бу олим нуқтаи назарича, глобаллашувни энг умумий қисқа кўринишда хўжалик ҳаёти ва унинг ўзаги - илмий ва ишлаб чиқариш байналминаллашувининг юқори босқичи (шакли) деб белгилаш мумкин. [3;33].

Ҳозирги даврда глобаллашув тушунчаси ҳақидаги қарашлар турли-туманлигича давом этмоқда. Глобализация ҳозирги даврнинг тарихий тенденцияси бўлиб, ижтимоий ҳаётдаги турли хил табиий, ижтимоий боғлиқликлар бу жараёнига алоқадордир. Шунинг учун глобаллашув жараёни механизмлари, сабаблари ва оқибатларини тадқиқ ва таҳлил қилиш ҳозирги даврда муҳим аҳамиятга эга. Глобаллашув даврида миграция бутун дунёда бўлаётган жараёнларга ўз таъсирини ўтказа бошлади. Инсоният таракқий жараёнинг жадаллашуви туфайли миграция ҳодисасининг хилма-хил кўринишлари ҳам вужудга келди. Айниқса, XX - асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб миграция барча қитъалар, жамиятнинг турли қатламлари ва гуруҳлари, ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларини қамраб олди. Натижада миграция жаҳон таракқийнинг энг муҳим омилларидан бирига айланди. Е. Равенштейн “миграция” тушунчаси таърифини оддий тушунтириб, уни “одамнинг ўз яшаш жойини доимий ёки вақтинчалик ўзгартириши”, деб қарайди. Унинг фикрича, бу “узлуксиз жараён” бўлиб, тўртта асосий омиллар гуруҳининг ўзаро таъсирини тақозо этади. Булар: а) мигрантнинг аввалги яшаган жойи (мамлакати)да таъсир қилувчи; б) мигрантнинг кўчиш босқичида таъсир қилувчи; в) мигрантнинг кўчиб ўтган жойи (мамлакати)да таъсир қилувчи; г) шахсий характердаги омиллар. Шахсий характердаги омиллар деганда, энг аввало, шахснинг афзалликлари тизими, унинг демографик хусусиятлари йиғиндиси ва бошқалар тушунилади.[4;16]. Миграция жараёнлари кўпинча объектив равишда глобаллашув туфайли юзага келди. Бу жараёнлар шунчалик даражада муҳимки, улар нафақат этник, балки умумий цивилизация ривожланишига ҳам таъсир қилади.

Глобаллашув ва миграция жараёнларини тадқиқ ва таҳлил қилган олимлар уларнинг ўзаро алоқадорлиги, боғлиқлиги масалаларига эътибор қаратадилар. Шунинг қайд этиш зарурки, глобаллашув ва миграция феноменларини ўзаро алоқадорликда ўрганиш ва улар ҳақида илмий хулосалар бериш ҳозирги даврда стратегик масалаларнинг ечимини топишга ёрдам беради.

Миграция жараёнига жамият объектив ва субъектив омиллари ўз таъсирини ўтказади. Ҳозирги даврда глобал миграция жараёнини четлаб ўтадиган мамлакатни топиш мумкин бўлмасдан қолди. Дунёдаги қабул қилувчи мамлакатлар замонавий миграция оқимининг гирдобига тушиб қолди.

Ижтимоий-маданий соҳада глобаллашувнинг муҳим омили миграция жараёнларидир. Миграция ижтимоий-маданий глобаллашувни рағбатлантиради, чунки у мигрантларни қабул қилувчи жамиятларда ҳам, миграция манбаи бўлган жамиятларда ҳам туб ўзгаришларни келтириб чиқаради. Мутахассисларнинг фикрича, энг асосийси иқтисодий сабаб бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда, чунки одамларда ишга жойлашиш ёки орттирган малакасига мос келадиган юқори ҳақ тўланадиган ва истикболли ишга эга бўлиш истаги мавжуддир. Миграциянинг сиёсий, ижтимоий, оилавий, миллий, диний сабабларини ҳам кўрсатиш мумкин. Қуйидагилар замонавий миграциянинг асосий омиллари ҳисобланади: 1. Иқтисодий (иш ҳаққи даражаси, ишнинг мавжудлиги); 2. Ижтимоий (саломатлик, ҳаётийлик, оилавий муносабатлар, болалар); 3. Этник-диний (этник ўзига хослик, дин); 4. Табиий (об-ҳаво, иқлим, экологик вазият); 5. Маъмурий омиллар (миграция сиёсати, миграция устидан назорат). Замонавий миграциянинг юқорида кўрсатилган омиллари ўзаро боғлиқ бўлиб, бир-бирини тақазо этади. Глобаллашув даврида бу узлуксиз жараённинг жадаллашгани кузатиш мумкин.

Глобал миграция қитъалар ўртасида содир бўлиб, шаҳарлар ва мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ва демографик ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Миграциянинг аҳоли шаклланиши ва иқтисодийётнинг ривожланишидаги роли тобора кучайиб бормоқда. Шунинг илоҳатга олиб, ХХI асрни "глобал миграция асри" деб аташ мумкин. [5;70].

Ҳозирги глобаллашув шароитида улар нафақат шиддатли характер касб этди, балки хилма-хил ҳам бўлиб қолди. Бу эса "миграция" атамаси доирасини кенгайтириш заруратига олиб келди. Ҳозирги вақтда миграция аҳолининг иш, ўқиш, туризм, тижорат фаолияти билан боғлиқ вақтинчалик ҳаракатларига тобора кўпроқ сабаб бўлмоқда. Миграция нафақат давлатлараро, балки давлат ичкарасида бўлиши ҳам мумкин.

Бу мураккаб феноменни ўрганишга барча ижтимоий ва гуманитар фанларнинг вакиллари ўз эътиборларини қаратадилар. Жумладан, тарихчилар учун ўрганиладиган асосий масалалар аниқ жойлар ва даврлар билан боғлиқдир. Антропологлар этнографик тадқиқотлар концепциясига эътибор қаратишга мойилдирлар. Асосан антропологларнинг назариялари конкрет эканлигини таъкидлаш зарур. Демографлар асосан умумий маълумотларга таяниб миграция оқимларининг моҳияти, модели ва йўналишини ҳамда мигрантларнинг (ёш, жинс, касб, таълим ва бошқалар) хусусиятларини тадқиқ қилмоқдалар.[6;37-39] Миграция жараёнини фақат ижтимоий-иқтисодий ва социологик тушунчалар орқали таҳлил қилиш (тавсифлаш) мумкин эмас. Бунда умумий фалсафий, ижтимоий-фалсафий, маданий тушунчаларга таяниш, "миграция" ни тўлиқ ижтимоий шакл сифатида, жумладан, унинг кўринишларидаги ўзига хос сифат жиҳатидан хилма-хилликни қайта кўриб чиқиш долзарб аҳамиятга эгадир. Миграция муаммоси ҳозирги кунда глобал характер касб этиб, илмий билимларнинг турли соҳаларида фаолият олиб бораётган олимларнинг тадқиқот объектига айланди. Миграция каби ҳодисани тушунишда фалсафа алоҳида рол ўйнайди, чунки у миграция сиёсати ва умуман миграцияга нисбатан муайян ахлоқий баҳолашнинг шаклланишига имконият яратади. Шу маънода у миграция жараёнларини ўрганишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда миграция глобаллашув ва интеграция билан бир қаторда замонавий халқаро муносабатларни тавсифловчи тенденциялардан бири ҳисобланади. Ҳам глобаллашув ҳам интеграция инсониятнинг глобал ҳаракатчанлиги ва миграция жараёнини кучайтирди. Бу жараёнда мамлакатлар ва минтақаларнинг ривожланиши, демографик кўринишини яхшилаш, этник ва конфессионал хилма-хиллик ижобий тенденциялар ҳисобланади. Булар билан бир қаторда барча даражадаги хавфсизликка таҳдид сифатида қаралиши мумкин бўлган миллий, минтақавий, глобал тенденциялар ҳам мавжуд. Булардан бири ноқонуний миграция бўлиб, дунёнинг деярли барча минтақаларида катта кескинликни келтириб чиқаради, бунинг натижасида хавфсизлик муаммолари келиб чиқади. [7;115].

Хулоса ва таклифлар. Юқорида билдирилган фикрларга асосланиб, шуни айтиш мумкинки, глобаллашув ва миграция жараёнларини диалектик алоқадорликда ўрганиш бу соҳада мавжуд бўлган муаммоларни ҳал қилишда муайян даражада муҳимдир. Бундан ташқари глобаллашув ва миграциянинг объектив ва субъектив омиллари ўртасидаги нисбат масаласида аниқлик киритиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. А. Н. Чумаков Глобализация. Контуры целостного мира: монография. М., 2005.
2. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат. (Сиёсий - фалсафий таҳлил) Тошкент. “Янги аср авлоди”. 2008.
3. Андреева А.В. Явление глобализации как экзогенный фактор развития социально-экономических систем. Вестник Волгоградского государственного университета. Сер. 3, Экон. Экол. 2013. № 1 (22).
4. Ионцев В.А. Международная миграция: населения: теория и история изучения. - М.: Диалог-МГУ, 1999.
5. Рязанцев С.В., Боженко В.В. Миграция в условиях глобализации. / Народонаселение № 4. - 2010.
6. Кэролайн Б. Бреттелл и Джеймс Ф. Холлифилд. Терия миграции. //Методология и методы изучения миграционных процессов. Междисциплинарное учебное пособие. Под ред. Жанны Зайончковской, Ирины Молодиковой, Владимира Мукомеля-Центр миграционных исследований – М., 2007.
7. Деловарова Л.Ф. Миграционные процессы в современных международных отношениях и проблемы региональной безопасности в ЦА. //Вестник КазНУ. Серия МО и ПМ. №-1-2(51-52). 2011.